



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (12.047)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 6 декабрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини 2012 йилги солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошлади. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Ҳақдорлик, Солиқ кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгариш ва қўшимчалар кўчмас мулкни ижарага берувчилар ва ижарага олувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, солиқларни тўлаш тартибини ҳамда солиқ маъмуриятчилиги тартиб-таомилларини соддаштиришга, шунингдек, солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг чикимларини камайтиришга ёрдам беради.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор халқаро шартномаларини кўриб чиқиб, маъқуллади.

«Халқаро электр алоқаси иттифоқининг 2006 йилги (Антарктия) ва 2010 йилги (Гвадалупа) Ваколатли конференциялари томонидан Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Устави ва Конвенциясига доир қабул қилинган Туза:иш ҳужжатларини ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатни қабул қилишдан мақсад Халқаро электр алоқаси иттифоқининг 2006 ва 2010 йилги Ваколатли конференциялари янқулар бўйича имзоланган ва Халқаро электр алоқаси иттифоқининг (ХЭАИ) Устави ва Конвенциясига Тузатиш ҳужжатларини ўз ичига оладиган Яқунловчи ҳужжатларини ратификация қилишдан иборат.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг ратификация қилиниши алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлаштириш бўйича халқаро фаолиятда Ўзбекистон Республикасининг фаол қатнашини таъминлайди, мамлакатимизнинг маълумотлар узатиш соҳасидаги энг янги ахборот-коммуникация ишланмаларидан баҳраманд бўлиш имконини кенгайтиради, шунингдек, тармоқ мутахассисларининг профессионал савиясини ошириш масалалари бўйича халқаро тажрибани ўзаро фойдаланиши амалга оширишга имкон беради.

«Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳар томонлама муҳокама қилинган, маъқуллади. Битим Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕОГ)нинг асосий мақсадлари ҳамда вазибаларини белгилаб беради, унинг устав органларини ҳамда ЕОГга аъзо бўлиш шартларини аниқлаштиради, шунингдек, ташкилот фаолиятини молиялаш механизмлари қонун ҳужжатларида белгилади.

Сенаторлар ушбу ҳужжатни муҳокама қилиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг ЕОГ фаолиятида иштирок этиши жиноий даромадларни легаллаштиришга (тозалаб олишга) ва терроризмни молиялашга қарши курашиш соҳасида Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари билан конструктив ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқиб, маъқуллади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан киритилган Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри, Оқдарё ва Самарқанд туманлари чегараларини ўзгариш тўғрисидаги тақлиф кўриб чиқилди. Самарқанд вилоятининг маъмурий-ҳудудий бўлинишини такомиллаштиришга қаратилган ушбу ташаббуснинг маъқуланиши минтақани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга, шаҳарсозлик ва режалаштириш ишлари самардорлигини оширишга, коммуникация тизимларини, газ ва сув таъминоти тармоқларини, энергия билан таъминлашни ривожлантиришга, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларини марказлаштиришга, мазкур ҳудудий бирликларни бошқариш самардорлигини оширишга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.

Конституция нормаларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиришга доир қоидаларни амалга ошириш доирасида, шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самардорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг мажлисида бир қатор вазирик ва идоралар раҳбарларининг тегишли тармоқларда қонун ҳужжатлари талабларини бажаришнинг бориши тўғрисидаги Олий Мажлис Сенатининг мажлисида сўровларини ижро этиш юзасидан тайёрланган ахбороти тингланди.

Чунончи, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилояти солиқ органлари томонидан бажарилиши ҳақидаги ахборотини тинглади ва муҳокама қилди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган катта эътибор, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда ўз самарасини кўрсатмоқда. Маҳаллий корхоналарда замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи, четдан келтирилган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган сифатли товарлар ишлаб чиқарилаётганлиги, уларнинг ташқи бозорда ҳам қаридорини топаётгани бунга яққол исботлаб турибди.

Пойтахтимизда ҳам ана шундай изланишлари самара бераётган, хорижий технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланиб, рақобатбардош маҳсулотларини харидорларга манзур этаётган корхоналар кўпчилиги ташкил этади. Улар орасида «ASN Techno» масъулияти чекланган жамиятининг ўз ўрни бор.

Бундан бир неча йил аввал хусусий тадбиркор «Назирова А.З» номи билан иш бошлаган жамоада 7 нафар ишчи меҳнат қилиб, асосан таъмирланган эски дастоҳлардан фойдаланишди. Маҳсулот турлари ҳам бир нечтани ташкил этади. Лекин имкониятлардан оқилона фойдаланган тадбиркор Анвар Назиров ўз мақсади йўлида изланишдан чарчамади. Корхонани кенгайтириб, янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятида замонавий технологик линиялар келтириб ўрнатди. Натижада маҳсулот турлари ҳам кўпайди, сифати ортди, бюртмачилар сафи эса йил сайин кенгайиб борибди. Албатта, қўшимча иш ўринлари яратишга ҳам эътибор қаратилди.

Бундан кунга келиб, корхонада 150 турдаги маҳсулот бюртмачиларга етказиб берилаётгани изланишларнинг, тадбиркорлик билан иш юритишнинг ёрқин далолатидир. Айни пайтда жамоа республикамизда машай ва савдо музлаттич жиҳозлари етказиб берувчи етакчи корхоналардан саналади. Маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технологик жиҳозлаш ишларини режа асосида олиб борилиши муваффақиятларга гаров бўлмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 9 ойида истеъмолчиларга 3 миллиард 291 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 1,2 баравар кўпдир.

Шунингдек, корхонада ишлаб чиқариш маблағларини қаматтириш, тежамкорлигига эътибор қаратишга аҳамият берилаётгани

ни маҳсулот таннархи арзонлашувида муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек таъкидлаш лозимки, корхона маҳсулотларининг харидорлари орасида юртимизда фаолият кўрсатаётган юзлаб супермаркетлар бор. Энг асосийси эса бюртмачи талаби асосида корхона дизайнерлари маҳсулот кўринишини яратишда, қандай хонда жойлашшини ҳам эътиборга олиб ҳажмини белгилайди.

Айтиш жоизки, юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш жамоа аҳли ютқуқлари салмоғини оширмоқда, янги лойиҳаларни таъкид этишларига мадад бўлмоқда.

— Корхонамиз кўп йиллардан буён «Трастбанк» ХОАББ билан ҳамкорлик қилиб, унинг молиявий кўмагидан унумли фойдаланмоқда, — дейди корхона раҳбари Анвар Назиров. — «ASN» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз тури ва сифати орттиришда, ишлаб чиқаришни кенгайтириб, ўз нуфузимизни оширишда, қўшимча ишчи ўринлари яратишида ушбу мададининг ҳиссаси катта. Банкининг имтиёзли кредитлари асосида савдо ва оватланиш тизими, супермаркетлар учун тайёрлаётган саноат музлаттичларимизнинг рақобатбардошлиги ортмоқда. Музлаттичларимизнинг 20 йиллигини жамоамиз тадбиркорлари янги турдаги саноат музлаттичлари тайёрлаш билан қутиб олди. Хали олдинда қилинажак ишларимиз жуда кўп. Энг асосийси эса мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаётганимиздир.

Ҳозирда тадбиркорлар яна бир янги лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Мазкур лойиҳа амалга ошиши натижаида импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилади ва 15 нафар киши иш билан таъминланади.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Улмасов олган сурат

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистондаги Бердақ номи мусиқали театрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» республика фестивалининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Ушбу дўстлик ва ҳамжихатлик байрамида минтақада фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказларнинг вакиллари иштирок этишди. Улар театр фойесида халқ амалий санъати, расм ва суратлар кўргазмасини ташкил этишди, шунингдек, турли халқларнинг фольклор санъати намойиш этилган катта байрам концерти уюштирилди.

● Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган «Йил аёли — 2011» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида 17 нафар хотин-қиз иштирок этди. Фолиб ва фаол иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари ҳамда «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кредитлар тақдим этиш ҳақидаги сертификатлари топширилди.

● Бухоро шаҳридаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Қасатка» масъулияти чекланган жамияти экспортчи корхоналар қаторидан ўрин олди. Зеро, бу ерда тайёрланган 20 минг АҚШ долларлик ишчи коржомалари илк бор хорижий бюртмачиларга етказиб берилди. Бундан ташқари яна 30 минг АҚШ долларлик кийим-кечаклар экспортга жўнатишга тахт қилиб қўйилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида «Микрокредитбанк» филиали очилди. Мазкур банк филиали Чимбой, Қораўзақ, Кегейли, Тахтақўпир туманларидаги аҳоли ва хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар билан биргаликда барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатади.

● Тошкентда «Молиялаштириш жараёнини автоматлаштириш орқали қайта инжиниринглаш, скоринг ва кредит бюролари» мавзуида семинар-анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Халқаро молия корпорацияси, «SAIPRO» ахборот рейтинг агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Венесуэла президенти Уго Чавес бир баррел нефть нархи 120 доллардан ошиб кетмаслиги учун ўз мамлакати барча имкониятларни ишга солишини маълум қилди.

● Греция 2012 йилга давлат бюджетини қабул қилди.

● Нью-Йорк хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 0,29 центга ошиб, бир баррел 101,28 АҚШ долларини ташкил этди. Лондонда ўтказилган савдоларда эса Brent русумли нефтнинг нархи 1,00 АҚШ долларга кўтарилиб, бир баррел 110,81 АҚШ долларидан иборат бўлди.

● Кеча Россия Сербияга Косово серблари учун навбатдаги инсонпарварлик ёрдамини юборди.

● Плутон сайёраси йўлдошлари атрофида йиғилиб қолган астероидларнинг йирик ва кичик парчалари мазкур сайёрани 2015 йилнинг июлида кесиб ўтадиган НАСАНинг «New Horizons» планеталаро зондини фаолокатга учратиши мумкин. Зеро, астрофизикларнинг таъкидлашларича, Плутон сайёраси ва унинг Харун, Некта ва Гидра каби йўлдошларини таъкид қилиш учун 2006 йил 19 январда парвоз қилган зонднинг коинотдаги чиқиндилар билан тўқнашиб кетиш хавфи бор.

● Россиянинг энг машхур олий ўқув юртларидан бири Воронеж университети ертўласини таъмирлаш пайтида XVI асрга оид илмий кутубхонага дуч келишди. Унда мамлакат тарихига оид кўплаб қимматли дурдоналар қатори лотин тилидаги, эски француз ва немис тилларидаги асарлар ҳам бор. Ажабланарли томони шундаки, ушбу муассасанинг мавжудлиги бирор бир манбада кўрсатилмаган.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошидаги 5-академик лицейда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуида тадбир ташкил қилинди.

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида «Ички ишлар ходимлари — инсон ҳуқуқлари ҳимоясида» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ТАТУ** қошидаги 2-сонли академик лицейда «Хуқуқий маданият» йилидаги амалдаги ишчи ва юксалтириш мавзуида кунвоқлар ва зукколар баҳси ўтказилди.


8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Мустақил давлатчиликнинг суверен белгиси ҳисобланмиш Конституция аввало миллатнинг юзи, халқнинг эрки, иродаси, жамият тараққиётининг асосидир. Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсадида қабул қилинган Конституциянинг ҳояси, асосий принцип ва қоидалари умумэтироф этилган халқаро талаблар билан бирга халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган.

Халқимиз Конституциямизнинг қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга солиқ эканлигини намоён қилди. Ушбу умуминсоний қадриятларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз олдидаги олий масъулият эканлиги Конституциямизнинг асосий ғояси сифатида таллаб олинди. Конституциямизнинг барча тамойиллари, аввало, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда акс этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов конституцияга таъриф берар экан, «Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома» бўлганилиги, у «халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини» акс эттириши, унинг «халқимиз тафаккури ва ижоднинг маҳсулидир» деганда нақадар ҳақ бўлганилигини бугун вақт кўрсатиб турибди.

Халқимиз Конституциямизнинг қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга солиқ эканлигини намоён қилди. Ушбу умуминсоний қадриятларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз олдидаги олий масъулият эканлиги Конституциямизнинг асосий ғояси сифатида таллаб олинди. Конституциямизнинг барча тамойиллари, аввало, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда акс этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов конституцияга таъриф берар экан, «Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома» бўлганилиги, у «халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини» акс эттириши, унинг «халқимиз тафаккури ва ижоднинг маҳсулидир» деганда нақадар ҳақ бўлганилигини бугун вақт кўрсатиб турибди.

лат муносабатларини тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи ҳамда тўртинчи бўлимлари айнан ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ўзбекистонда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурини амалга ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилот-



ийл 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатларини Олий Мажлисининг Сенати ва Бош вазир зиммасига ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунининг ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши демократик ислохотлар изчиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Ушбу қонунлар сиёсий партияларнинг парламентдаги ўрнини ҳуқуқий мустақамлаши билан бирга, уларнинг Бош вазир ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва уларни вазифасидан озод этишдаги ролини эътироф этди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асосий функциясининг давлат ҳокимияти органларининг қилишидан ҳолда фаолият юртишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш, деб белгилади.

Муктасар қилиб айтганда, Конституцияда белгилаб қўйилган олий мақсадимиз, яъни демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида, давлат ва жамият қурилиши соҳасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмаётган ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги ўрни доимо бекиёс бўлиб қолверади.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ, Тошкент Давлат юридик институти «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОХОТЛАР ПОЙДЕВОРИ

ларига босқичма-босқич бериб бориш асосида жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнлари бошланади. Оилага кун сайин гамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ёрдам бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 65-моддасининг 2-қисми ва Оила кодекси 4-моддасининг 1-қисмига биноан оила, оналик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Конституциянинг 67-моддасида қайд этилганидек: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрлиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди». Ушбу модда негизда Ўзбекистон тарихида биринчи марта оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципи конституциявий қоида

ят ҳаётидаги энг муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниши натижасида мамлакат сиёсий тизимида изчил ислохотлар амалга оширилиб, катта ўзгаришлар юз берди. Референдум натижаларига биноан 2002 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Референдум ақуларини ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи — икки палатали парламентнинг тuzилиши, таркиби, фаолият юртиш асосларини белгилади. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалда татиб этиш бўйича, марказий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиб боришлиги лозим. Шу муносабат билан, 2003

сабати билан мазуқ марказ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги таълим маҳаллари, маҳаллалар ва қоржоналарда «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан барчамизники!», «Бу муқаддас заминда азиздир инсон!» каби мавзуларда маърифий анжуманлар, дўстлик фестиваллари, фото ва бадиий кўргазмалар, концертлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Тадбирлар БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияда энг аввало ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсад қилиб олинган. Қун кеча Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — бахтимиз қомуси» мавзусида ташкил этилган давра сўҳбатига оқоридаги фикрлар қайд этиб ўтилди.

Тадбирнинг бадиий қисмида эл суйган ёш санъаткорлар, Ниҳол муқофоти совриндорлари ижросида янграган дилрабо куй-қўшиқлар барчада яхши таассурот қолдирди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва диний конфессиялар вакилларнинг тинч-тотув яшаш, меҳнат қилишига оид қонуний кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган.

Республика Байналмилал маданият маркази томонидан Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 19 йиллиги муносабати билан ўтказилган фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллатлараро муносабатлар ривожининг ўзига хос жиҳатлари га бағишланган илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон хоржий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий харақати каби ҳамкорлигида ташкил этилган мазуқ анжуманда миллий маданият марказлари, жамоат, диний ва халқаро ташкилотлар, хоржий элчиқоналар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, олимлар, ҳуқуқшунаслар иштирок этди.

Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, «Камолот» ёшлар ижтимоий харақати марказига раҳбарлиги бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммадзимонова ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамоллигида Ватанимизни янада раванқ топтиришда юртимиздаги миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, ҳамжихатлик муҳити мустаҳкам асос бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакилларининг ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшаш, таълим олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хўнар эгаллаши, меҳнат қилиши, саломатлигини мустаҳкамлашига оид ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда ўқувчиларга етти тилда таълим берилмоқда, оммавий ахборот воситалари ўндан ортиқ тилларда эълон қилинмоқда. Турли миллат вакилларининг аниқана ва урф-одатлари, қадриятларини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, маъмул-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этишда Республика Байналмилал маданият марказининг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллиги муно-

Биринчи марта «давлат халқ эрки-иродасини ифода этиши, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар фуқаролар олдида масъулиятнинг норма сифатида мустаҳкамланиши инсоннинг тенг ҳуқуқлиги, баркамол шахс даражасига кўтарилишга ҳуқуқий замин яратди. Конституция ва қонунлар, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди. Инсон эса ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда энг асосий ўринни эгаллайди.

Ҳамма инсонлар қонун олдида тенг. Уларга берилган имтиёзлар ижтимоий адолат тамойилларига мос бўлиши лозим. Бу унга берилган имтиёз орасида бошқа шахсларни камситиш, унинг ҳуқуқини поймол қилишга, шаънини ерга уришга йўл қўймаслик демакдир. Инсон қадриятларига ҳурмат билан қонуний муносабатда бўлиш, унинг қадр-қиматининг янада улғулиниши Конституция ва қонунларимизнинг моҳиятини янада оширмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимизнинг турли жойларида ҳуқуқий-маърифий йўналишдаги тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бу бежиз эмас. Асосий Қонун — Конституциямиз қабул қилинганнинг 19 йиллиги кенг нишонланмоқда. Утган ҳар бир йил Конституцияда ўз ифодасини топган қоида ва тамойилларни изчил тарзда ҳаётга татиб этиш йиллари бўлди. Агар биз босиб ўтилган йилларга назар ташласак, ўндан зарур ҳулосалар чиқариш, эришилган натижалар билан бирга мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини излашга интилишимиз табиий.

Маъмули, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган, қадриятларимиз, анъаналаримизни қайта тиклаб, жаҳоннинг илгор мамлакатлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини таллаб олди. Утган давр мубойнида бу борда аниқ амалий натижаларга эришилди. 19 йил муқаддам қабул қилинган Конституция ана шу жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди, деб беғамол айта оламиз. Маса-

АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Мустақиллик — халқимизга ўз келажигини ўзи бошқариш ҳуқуқини берди. Мана шу мўъжазгина «ҳуқуқ» деган сўз бугун ва эртаимизни белгиловчи мезонга айланиб бормоқда. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқиб, 1992 йилда Конституциямиз қабул қилинди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай демократик жамият негизини қонун устуворлиги ташкил этиши шубҳасиз. Юртбошимиз Конституциянинг қабул қилиниши чоғидаги нутқида мазуқ тамойилни таъкидлаб шундай деган эди: «Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устувлиги таъминланганидир. Конституция ва қонунларнинг устувлиги принципи шунинг асосида, барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади». Демак, Бош Қомусимиз ўз моҳиятига кўра, демократик ҳуқуқий давлат конституцияси сифатида Ўзбекистон халқи иродасини ифода этади, умумдемократик тамойилларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб эътироф этувчи давлат ва жамият ҳаёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтиради. Бу эса ўз навабига жамиятда адолатли қарор топтиришнинг асосий шартларидан биридир. Масалан, 14-моддада «Давлат ўз

фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширади», — деган қонданнинг мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам буни тасдиқлайди. Бу қоида асрлар давомида шаклланиб келган қадриятларимиз, хусусан, буюк бобоклолимиз Амир Темурнинг «Куч — адолатда» деган ҳаётий — амалий шioriининг ўзига хос ифодасидир.

Конституциямизнинг демократик моҳияти унинг нафақат миллий қадриятларимизга мос келиши, балки ўз замани-муоҳиятига кўра халқаро ҳуқуқ меъёрлари, шаклланиб келган демократик тамойилларга ҳамоханлигида ҳам ўз аксини топган. Аммо қанчалик демократик бўлмасин, муайян қоидаларни мустаҳкамлаб қўйиб билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бу қоидалар ҳаттичиз мазмунини ташкил этган, унда ўз ифодасини топган мақсадлар ижроси йўлга қўйилганда озу-ниятлар воқеалика айланади. Шундай экан, адолат ва тараққиёт мезони бўлимиш Бош Қомусимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, ёш авлодининг ҳуқуқий онги ва маданиятини тизимли ва тадрижий тарзда юксалтиришда кўзланган мақсадларга эришининг асосий шартларидан биридир, дейиш мумкин.

Маъсуда АСКАРОВА, Низомий номдаги ТДПУнинг катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мухокама жараёнида сенаторлар солиқ органларининг ишини, жумладан, Фарғона вилоятида янада тақомиллаштириш, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда ара-лашиш ҳолларига йўл қўймаслик, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш, текширувлар ўтказиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, бюджетга солиқ тушумлари таъминлаш чораларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати олиб борилишини таъминлаш борасида адлия органлари томонидан амалга оширилмаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотини ҳам тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Сенаторлар ўз чиқишларида ҳуқуқий тарғибот ва жамиятда ҳуқуқий таълим соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш борасида, давлат органларининг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиришда, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва норма ижодкорлиги фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини рўёбга чиқаришда адлия органлари олиб бораётган ишларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган қатор таклифларни баён этдилар.

Парламент сўровларини муҳокама қилиш яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди. Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгариш киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор элчисини тайинлаш масалаларини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Сенатнинг икки кун давом этган мажлисида 26 та масала, шу жумладан рўёбга чиқарилиши мамлакатда демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг, бандлиқни таъминлашнинг ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг муҳим омили бўладиган 15 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини تامомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Иқтисодиёт

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВАТЛАНМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорлик субъектлари жалб этилган соҳа ва тармоқларда кенг ўзгаришлар иқтисодий-иқтисодий тараққиёти, халқимиз фаровонлиги янада юксалишида муҳим омил бўлаётир.

«O'z elim» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ҳам олти йилдан ортиқ даврдан буён тадбиркорлик билан иш юритиб, соҳани ривожлантириш борасида яратилган имкониётлардан оқилона фойдаланяпти. Ҳозирда мазуқ фирма сафларида жамланган беш нафар малакали ишчи-хизматчилар автотомобиллар салонини батартиб этиш, яъни ўриндиқ, шифт ва пол қисмларини янгилаш, изоляция қилиш каби хизмат турларини бажаришади.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган кенг имтиёзлар билан мунтазам танишиб бораман, — дейди «O'z elim» хусусий фирмаси директори Ойбек Абдухалилов. — Боси, тадбиркорнинг иқтисодий билими ва ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш орқали иш фаолиятини ривожлантириш, ютуқларга эришиш, элга танилиш мумкин. Шу ўринда айтайти ўтиш жоизки, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари саломи — ўриндиқлар таъмири, филофлар тикиш, тепа ва пол қисмларини алмаштиришда мижоз диди ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда аввалдан захирамизда бўлган лойиҳалар асосида янги тавсияларимизни ҳам берамиз.

Натижада мижозларимиз сафига ортиб бормоқда. Асосий мақсадимиз эса давлат тасарруфидидаги транспортларга сифатли хизмат кўрсатишдир. Мухаббат АҲИБУЛЛАЕВА

Шайхонтохур туманидаги «Оқлон» маҳалласида «Инсонпарварлик — улугъ фазилат» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИНСОНПАРВАРЛИК — УЛУГЪ ФАЗИЛАТ

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказининг гуруҳ раҳбари Абдумутал Раҳимов, Тошкент Ислоҳ унiversитети кафедра мудири Неъматулла Мухамедов ва бошқалар инсонпарварлик, диний ва миллий қадриятлар уйғунлиги, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик туйғуси ва ҳалққа, юртга муҳаббат, ёшларнинг етуқ шахс ва малакали мухтаассис бўлиб шаклланиши масалалари ҳақида фикр юритдилар. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутаты, Шайхонтохур туманидаги 44-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Муҳаддас Раҳматуллоева, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази бўлим бошлиғи Ҳасомиддин Иброҳимовлар тиббий йўналиш бўйича фикр юритиб она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича видеоларлар орқали соғлом турмуш тарзи тарғиботига эътибор қаратдилар.

Тадбир давомида алоҳида таъкидлаб ўтилгандек, қадим замонлардан бошлаб, амалиётда ҳам ўз аксини топган сўз ва иш бирлиги асосидаги инсонийлик, инсонпарварлик юксак маънавий фазилат сифатида қадрланган. Инсонпарвар шахсга хос хусусиятлар, хатти-ҳаракатлари халқ учун меҳнат қилиш ва илҳомланган. Турар жойларда ҳам унинг тарғиботи, шу билан бирга унинг илмий-услубий жиҳатларига эътибор маънавиятимизни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.
Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Касаба уюшмалари фаолиятдан АМАЛИЙ ҚўЛЛАНМА ВАЗИФАСИНИ ўТАЙДИ

Муस्ताқил Ўзбекистон давлатининг вужудга келиши халқимизнинг тарихий ғалабаси бўлиб, ўтган йигирма йил мобайнида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида улкан ишлар амалга оширилди ва бу жараён босқичма-босқич давом этмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида меҳнатқиларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш, маънавий оламини юксалтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласи энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиленган.

Ушбу вазифаларни бажариш борасида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши ва корхона, ташкилотлар ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ҳолда қўллаб-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Бу борада шаҳар касаба уюшмалари тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият соатлари» ташкил этилган бўлиб, долзарб мавзулар бўйича маърузалар тингланиб, суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» бўйича олимлар, фан арбоблари, ҳуқуқ-тарғибот органлари, Маънавият тарғибот маркази мутахассислари иштирокида Концепциянинг мазмун-моҳиятини тушунириш ва унда касаба уюшма фаоллари олдига қўйилаётган вазифаларга оид суҳбатлар уюштирилди.

Шаҳар касаба уюшмалари тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», «Ватан — азиз, Ватан — муқаддас» мавзуларида адабий ва санъат намоёндалари, олимлар ҳамда шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилиши билан бир қаторда «Менинг жонажон Ўзбекистим», «Шарқнинг гўзал рақслари» шиори остида кўрик-танловлар, «Буюк ва муқаддассан, муस्ताқил Ватан!» шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди.

Куни кеча шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши томонидан республикамиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш арасида ва ундан кейинги йилларда олиб борган жўшқин ва серкира ижтимоий фаолияти акс эттирилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» деб номланган китоби мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда сўз олган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арасида барчамиз учун яна бир тўхна, мамлакатимизнинг сиёсий-иқтимоий, маданий-маънавий ҳаётида му-

ҳим воқеа бўлгани, халқимиз ўртасида ва халқро маданий доираларда бу асар катта қизиқиш ва эътибор билан қабул қилиниб, бугунги кунда чуқур ўрганилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Эл-юртимизнинг ана шу тарихан қисқа даврга босиб ўтган гоёт мураккаб, айни вақтда шарафли тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ютуқ ва марраларимизга қандай асосда, қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини англаш, уларнинг барчасини яқин ҳолда, ички диалектик қонуниятлари, бор шиддият ва қарама-қаршиликлари билан тушуниб етишда бу китоб ишончли манба ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши аниқ мисоллар, назарий ва амалий хулосалар асосида кўрсатиб ўтилган, — деди жумладан Н. Насимов. — Яна китобнинг энг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтadиган бўлсак, унда истиқлол тарихимизнинг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифалари хар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб берилди ва шу тарика ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадларда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюрт-маларини бажаришга, биз босимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга ҳеч қандай имкон қолдирмайди. Иккинчи муҳим жиҳати шундаки, у ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноёб маълумот ва манбаларни тиклаб, тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймасдан, уни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни чуқур ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратди.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Муҳаммаджон Куронов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг маъруза ва нутқлари, суҳбат, мақола ва интервьюларининг ижтимоий моҳияти, илмий-назарий қиммати ва бекўёс аҳамияти тўғрисида фикр юритдилар.

Ватан туйғуси, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ва садоқат, унинг бахту саодати, келажак ҳимояси учун доимо фидойий бўлиб яшаш асл инсоний фазилат эканлиги акс этиб турган ушбу асар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишга бағишланган ушбу учрашувдан йигилганлар катта маънавий озиқ олдилар.

Шоира МУХАМЕДОВА



Республика Адлия вазирлигида нотариат соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, нотариал идоралари нотариуслари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

СОҲА ТАКОМИЛИ ЙўЛИДА

лақа талаблари кучайтирилди. Яъни йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камидан уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камидан икки йил муддатли малака ўтаб, имитхон топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, лицензиялаш тизими бекор қилиниб, нотариуснинг маълумоти олиниши ошириш мақсадида қасамдўз қилиш тартиби жорий этилди.

Коракллогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузурида нотариал архивлар ташкил этилди. Ушбу архивларда нафақат хусусий нотариусларда-

ги архив ҳужжатлари, балки давлат нотариал идораларига тегишли архив ҳужжатлар ҳам сақланмоқда. Нотариал архивнинг ҳар бир ҳудудда бундай марказлашган тизими яратилгани юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ва архив ҳужжатлари нусхаларини олишларида катта қулайлик яратди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги қонунига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ва уларнинг аҳамияти борасида йигилганларга атрофлича маълумот берилди ҳамда келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Алиёр ОРИПОВ
Туркистон-пресс

Шаҳримиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бошқаришни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида икки кунлик халқаро форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлаш, уларнинг орзу-умидларини тўлақонли рўёбга чиқариш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик, тиббий ва бошқа ижтимоий кафолатлар ҳисобланувчи мустаҳкам пойдеворга таянилади. Бунда кўмак ва ҳимояга муҳтож болалар — алоҳида эҳтиёжли, ота-онасиз қолган, кам таъминланган ва нотинч оилаларнинг болаларига ёрдам кўрсатиш ҳамда мақсадли маъмувий дастурларни кучайтиришга йўналтирилган долзарб вазифалар алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқаришда замонавий ёндошув ва изланишларни илғор маҳаллий ва хорижий таъриба ҳисобига янги сифат даражасига олиб чиқиш (таълимий, ижтимоий, бошқарув технологияларини янгилаш, кадрлар малакасини ошириш, замонавий илмий тадқиқот ва билимларни амалиётда кенг жорий этиш)ни талаб қилади.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, болалар онгининг хар томонлама ривожланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш каби вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган халқаро форумдаги масалалар бугунги кунда долзарб ҳисобланади, — дейди Гулистон шаҳридаги болалар шаҳарчасининг директори Фотима Аҳмеджанова. — Айниқса Мехрибонлик уйлари, болалар шаҳарчаларида тарбияланаётган болаларимизнинг бугунги, келажакдаги ҳаёти билан боғлиқ масалалар жудаам кўп. Бугунги кундаги долзарб масала, хар бир фарзанд дунёга келаркан

оила тафтида, онасининг бағрида бўлиши керак. Бизнинг мамлакатимизда васийликнинг альтернатив шаклини жорий қилишнинг самарали модели — Концепцияси ишлаб чиқилди. 2007 йилдан буён республикамиз бўйлаб болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни жойлаштиришнинг альтернатив шакллари билан илгари суриш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи Оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш пилот хизматларини яратиш ҳамда ривожлантириш юзасидан лойиҳа амалга оширилмоқда.

Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган комплекс ижтимоий дастурларни амалга оширишда давлат институтларининг ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизми-

ни такомиллаштиришнинг самарали йўллари излаш ва уларни амалга ошириш зарурати юзага келади.

— Ўтказилаётган форум доирасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш юзасидан кўпгина фикрлар билдирилди, — дейди Олий суд хузуридаги тадқиқот маркази бош маслаҳатчиси Камрон Нигматов. — Суд жараёнида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидадан бу борадаги қонунчилик негизини яратишга катта эътибор қаратди. Биринчи бўлиб, хар бир шахснинг ҳаёти, унинг шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлга-



нидан кейин, 1992 йилда биринчилар қаторида «Бола ҳуқуқлари» тўғрисидаги конвенцияга қўшилди. Ушбу конвенция асосида бир қанча муҳим қонунлар ишлаб чиқилди, шулар қаторида, бола ҳуқуқлари қатолати тўғрисида кўнун ҳамда бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди...

Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида мутахассис ходимларни тайёрлаш ва қайта ўқитишнинг сифати ва даражасини такомиллаштириш ҳамда модулли дастурлар, ўқув курслари, болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимига манзилли хизматларнинг инновацион моделини жорий этишда маҳаллий ва чет эл таърибасини ўрганиш, оилавий ноқобилликнинг олдини олиш мақсадида оила муаммоларини ҳал қилиш бўйича муносиб чораларни излаш, оила салоҳиятини мустаҳкамлаш анжуман қатнашчилари томонидан қайд этиб ўтилди.

Секция ишларида инновацион дастурлар ва иш таърибасини мазмунли ҳамда юқори савияда намойиш этилиши, материалларнинг салоҳияти билан тақдим қилиниши, таъриба алмашиниши, шунингдек, форумни ўтказиш усуллари: тақдимот, мунозаралар ва ишчи гуруҳларини жамлашга эътибор қаратилди.

Рухсора ЭЛЬМУРАТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНЧИ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ўТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига ТИФ «Миллий банк»нинг қуйидаги корхоналар устас фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

№	Аукционга қўйилган объект	Корхона жойлашган манзил	Сўтга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%)	Бошланғич баҳоси (Сўм ёки АҚШ долларида)	
					Сўм	АҚШ доллари
1	KINDER FRUITS МЧЖдаги улуш	Тошкент вилояти, Английн шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-йўли	100%	3%	16 387 616 000	9 350 481,97
2	TOSHAKT OOOO МЧЖдаги улуш	Тошкент шаҳар, Фарғана йўли кўчаси, 23-йўли	100%	2%	25 654 000 000	14 802 473,3 8

Аукцион савдолари 2012 йил 9 январь кунни соат 15:00дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 6 январь кунни соат 18:00.

Юқоридаги улушлар 2012 йил 9 январьдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 12, 16 ва 19 январь кунлари соат 15:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 12 январьдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 10 январь кунни соат 18:00; 16 январьдаги савдолар учун 13 январь кунни соат 18:00; 19 январьдаги савдолар учун 17 январь кунни соат 18:00.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: Аукцион голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунча пули сифатида, қолган қисmini эса олди-сотди шартномасида белгиленган мuddатларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлашни шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартини билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шартини билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига Банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан мазкур ёгонда белгиленган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўловини эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари) да ёки миллий валюта (сўм) да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамish кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС MULK SAVDO» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 17.02.2011 йилдаги № 5636-37/20-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-4 мавзеси, Қора йўл кўчасида жойлашган, майдон 72,0 кв.м. бўлган дўкон биноси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 56 172 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 6 январь кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2012 йилнинг 6 январь кунни соати билан дўкон биноси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 56 172 000 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтохур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.


Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимосида савдоси ўтказилишига бир кун қолганда, яъни 2012 йил 4 январь кунни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.



«Шарк» НМАК жамоаси компаниянинг газета жамуаси техник раҳбари Бахтиёр Шамсуддиновнинг волидаи муҳтарамаси **ЗУЛФИЯ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.



O'ZSANOATQURILISHBANK



**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОАТБ
жамоаси барча юртдошларимизни
8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 19 йиллиги байрами
билан табриклайди!**



Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сиз азиз юртдошларга қуйидаги қулай шартлар билан юқори даромадли депозитларни таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар	Сақлаш муддати	Омонатлар миқдори	ИЗОҲ
Болаларнинг мақсадли омонати	10 йил	чекланмаган	Имтиёзли таълим кредити берилди
"Лидер"	6 ой	чекланмаган	Қўшимча нақд пул маблағи қабул қилинади
Коммунал хизматлари тўловига	2 йил	чекланмаган	Нақд пулсиз коммунал тўловларига ўтказилади
Мадад-4	9 ой	чекланмаган	Омонатнинг муддати тугагандан сўнг бонус тўланади
Баркамол-1	3 ой	чекланмаган	
Ҳамкорлик	12 ой	чекланмаган	
Хорижий валютадаги омонатлар			
Манфаат-2	7 ой	чекланмаган	Фоизлар омонатлар муддати тугагандан сўнг Ўз.Республикаси Марказий банки курси бўйича тўланади.
"Истиқлол-2"	3 ой	чекланмаган	

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ўз мижозларига омонатларни фоиз даромадлари билан бирга, тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБда сақланаётган аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонида кафолатланган.

Хизматлар лицензияланган



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**ШАРҚ ҲИКОЯТ
ВА РИВОЯТЛАРИ**

Савдогарлар биринчи марта бозорга тамаки олиб келишганида бир донишманд одамларга қарата:

— Тамаки соғлиқ учун кони зарар — чека кўрманг, — деган экан, ҳеч ким қайрилиб қарамай тамакининг бозори касод бўлибди. Бундан норози бўлган савдогарлар донишманднинг хузурига бориб, ўз фикрини ўзгартиришини илтимос қилишибди. Шунда донишманд одамлар олдида чиқиб:

— Халойиқ! Тамаки чекканларни ит қопмайди, уларнинг уйига ўғри тушмайди, кашанда сира қаримайди, — дебди.

Одамлар ҳайрон бўлиб сўрашибди:

— Бу қанақаси? Аввал тамаки кони зарар — зинҳор чека кўрманг! — деб огоҳлантирган эдингиз. Энди бунинг аксини айтаяпсиз.

Донишманд ўз фикрларини шундай изоҳлабди:

— Тамаки чеккан киши ҳассага таяниб қолади — ҳассалик кишига ит яқинлашмайди. Кашанда чун билан йўталиб чиқади — уй эгаси ухламаган экан, деб ўғрилари қайтиб кетади. Чекувчи кишига кўпинча бахтли кексалик гаштини суриш насиб этмайди — у ёш ўлиб кетади.

Бир одамнинг бир неча соғин қўйи бор эди. У сутга сув қўшиб, бозорга олиб чиқиб сотарди. Бундан хабар топган чўпон бир куни хўжайинини огоҳлантирди:

— Бундай қилманг, оқибати ёмон бўлади.

Лекин у қулоқ солмади — сутга сув қўшиб сотаверди.

Бир куни қўйлар тоғ ёнбағрида ўтлаб юрадидилар. Бирдан довул кўтарилди, жала қўйди. Тоғдан сел келиб, қўйларни оқизиб кетди. Кечкурун қишлоққа чўпоннинг бир ўзи қайтиб келди.

— Қўйлар қани? — сўради хўжайин.

— Сутига сен қўшган сувлар бир-бирига қўшилиб, селга айланди ва қўйларнинг оқизиб кетди, — жавоб қилди чўпон.

Бир кишининг улғайиб ҳам бирор ишнинг бошини тутмаган эрка ўғли бор экан. Боши ёстиққа етганда сўнгги тилагини изҳор этибди:

— Ўғлимнинг меҳнат қилиб пул топганини кўрсам, армонсиз кўз юмардим.

Бу гапни эшитган онаси эркатойини четга чақириб, чўнтагига пул солибди.

— Борақол, ўғлим, кўчада ўртоқларинг билан ўйна-да, кеч киргач, отангга ўзим ишлаб топдим, деб шу пуллари келтириб бер.

Ўғил онаси айтгандай қилибди. Ота эса пулни олибди-ю юзига ҳам қарамай, ёниб турган ўчоққа отибди.

Ўғли индамай кулганича чиқиб кетибди.

Эртасига ҳам шу ҳол такрорланибди.

Учинчи куни она дебди:

— Отанг алдаганимизни сезди, болам. Энди ўзинг ишлаб пул топиб келмасанг бўлмайди.

Ўғил кун бўйи бировларнинг эшигига сув ташиб, ўтин ёриб, арзиманган уч-тўрт танга ишлабди. Отасининг қўлига олиб келиб берибди:

— Мана, ота, буни ўзим ишлаб топдим, — деса-да, чол пулнинг юзига қарамай яна ўчоққа отибди.

— Хой, нима қияпсиз?! Ахир, мен бу пулни топиш учун кун бўйи тинмай ишладим-а! — деб ўғил шоша-пиша қўлини ёниб турган оловга тикиб, пуллари олибди. Ота мамнун жилмайиб дебди:

— Ана энди бу пулни ўзинг ишлаб топганига ишондим, болам.

Эргаш ОЧИЛОВ

тайёрлаган

(Давоми бор)

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Чилонзор туманидаги Г 9-мавзе, 2-уй, 8-хона манзили бўйича тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 3 мартда «Кўзиева М. Ф.» ХКга берилган реестр рақами №: 0807095 бўлган, №: 08-05852 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



УЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

да) ва кечки томон (соат 17 дан кейин) туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда

Тошкент шаҳрида 8 декабрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб (соат 11 да) ва кечки томон (соат 17 дан кейин) туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 2-4 даража илқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 декабрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг биров йиғилишига имконият яратмайди. Атмосферанинг инфоляция даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

2007 йил 19 январда
Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
274 нускада босилди.
Қоғоз битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашрийёт-матбua акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.